



А Ж Р И М

(аризани кўрмасдан қолдириш тўғрисида)

Беруний тумани 2023 йил 26 октябрь 4-2302-2303/3393-сонли иш

Беруний туманлараро иқтисодий суди судьяси Б.Т.Бекмуратов раислигида, С.Кучкаровнинг котибалигида, [REDACTED] прокуратурасининг даъвогар – [REDACTED] акциядорлик жамиятининг манфаатида жавобгар – [REDACTED] 11 307 644,64 сўм асосий қарз, 161 561 сўм пеня жами 11 469 205,64 сўм қарздорлигини даъвогар фойдасига ундириш тўғрисидаги даъво аризасини ва илова қилинган ҳужжатларини Беруний туманлараро иқтисодий суди биносида очик суд мажлисида кўриб чиқиб, қўйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И:

[REDACTED] прокуратураси даъвогар [REDACTED] акциядорлик жамияти (бундан буён – даъвогар) манфаатида иқтисодий судга даъво аризаси билан мурожаат қилиб, жавобгар [REDACTED] (бундан буён – жавобгар)дан 11 307 644,64 сўм асосий қарз, 161 561 сўм пеня жами 11 469 205,64 сўм қарздорлигини даъвогар фойдасига ундиришни сўраган.

[REDACTED] прокуратураси ва даъвогар суд мажлиси вақти ва ўрни тўғрисида тегишли тартибда хабардор қилинган бўлсада, унинг вакили суд мажлисига келмади.

ИПКнинг 107-моддаси биринчи қисми 6-бандига мувофиқ даъвогар биринчи суд мажлисига келмаган ва ишни ўзининг иштирокисиз кўрилиши тўғрисида арз қилмаган бўлса даъво ариза кўрмасдан қолдирилади.

Иш ҳужжатларидан кўринишича, даъвогарнинг аризаси суднинг 2023 йил 06 октябрдаги ажрими билан иш юритишга қабул қилинган ва ишни кўриш 2023 йил 26 октябрь кунига тайинланган.

Суд мажлиси ҳақида [REDACTED] прокуратураси ва даъвогарга хабар берилганлиги ҳақидаги почта алоқа бўлимининг жавобига кўра, даъвогарга 2023 йил 09 октябрда суд ажрими топширилган.

ИПКнинг 170-моддасига биноан иш муҳокамасининг вақти ва жойи тўғрисида тегишли тарзда хабардор қилинган даъвогар суд мажлисига келмаса, даъвогарнинг ишни унинг йўқлигида кўриш тўғрисидаги аризаси бўлган тақдирда, низо унинг йўқлигида ҳал қилиниши мумкин.

Бугунги суд мажлисига даъвогар вакили келмади ва иш хужжатларида даъвогарнинг ишни ўзининг иштирокисиз кўриш тўғрисида аризаси мавжуд эмас. Шу сабабли даъво кўрмасдан қолдирилиши лозим.

ИПКнинг 118-моддаси биринчи қисмига мувофиқ суд харажатлари ишда иштирок этувчи шахсларнинг қаноатлантирилган даъво талаблари миқдорига мутаносиб равишда уларнинг зиммасига юклатилади.

Ўзбекистон Республикаси «Давлат божи тўғрисида»ги Қонунининг 9-моддаси биринчи қисмининг 13-бандига асосан прокуратура органлари – юридик шахсларнинг манфаатларини кўзлаб қилинган даъволар юзасидан давлат божи тўловидан озод этилган. Бироқ манфаати кўзланган шахс ишни кўриш натижаси бўйича давлат божи тўловидан озод этилмаган.

Шу боис, суд даъвогардан республика бюджетига 330 000 сўм давлат божи ундиришни, иш бўйича одиндан тўланган 33 000 сўм почта харажатини даъвогарнинг зиммасида қолдиришни лозим топди.

Мазкур ҳолатда суд даъво аризани кўрмасдан қолдиришни лозим топади.

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий процессуал кодексининг 107-моддаси 6-банди, 118, 195-моддаларига асосланиб, суд

А Ж Р И М Қ И Л Д И:

███ прокуратурасининг даъвогар – ███
███ акциядорлик жамиятининг манфаатида жавобгар –
███ 11 307 644,64 сўм асосий қарз,
161 561 сўм пеня жами 11 469 205,64 сўм қарздорлигини даъвогар
фойдасига ундиришни сўраган даъво аризаси кўрмасдан қолдирилсин.

Даъвогар “███” акциядорлик жамиятидан
республика бюджетига 330 000 сўм давлат божи ундирилсин.

Даъвогар томонидан тўланган 33 000 сўм почта харажати унинг
зиммасида қолдирилсин.

Мазкур ажрим устидан бир ойлик муддатда апелляция тартибида
шикоят бериш (протест келтириш) мумкин.

Судья

Б.Т.Бекмуратов